

“O‘ztemiryo‘lovchi” AJNning “Жамиятнинг  
коррупцияга қарши курашиш бўйича  
Сиёсатини тасдиқлаш тўғрисида”ги  
буйруғига **илова**

**“O‘ztemiryo‘lovchi” акциядорлик жамиятининг  
коррупцияга қарши курашиш бўйича  
СИЁСАТИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Сиёсат “O‘ztemiryo‘lovchi” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда –Жамият) да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман Жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек, лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида Жамият ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Мазкур Сиёсат Жамиятда коррупцияга қарши кураш тизимининг асосий тамойиллари ва таркибий қисмларини, шунингдек, коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгиловчи ва қўлланилиши мумкин бўлган амалдаги коррупцияга қарши халқаро ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормаларига Жамият ходимлари томонидан тўлиқ риоя этилишини таъминлашга қаратилган ички ҳужжатиدير.

3. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли, 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли, 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва Жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни

қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Жамият Сиёсатни ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб қабул қилади ва ўзига хос ҳамда қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

5. Қуйидагилар Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

Жамият ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички меъёрий ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамият ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Жамият ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни олдини олиш мақсадида Жамият ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишларни ташкил қилиш ҳамда коррупциявий ҳатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик муқаррар эканлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришни таъминлаш;

Жамиятда коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш.

6. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.

7. Жамиятга ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан танишишлари ва унинг талабларига риоя қилишлари лозим.

8. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

**алоқадор шахслар** – Жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

**иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари** – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Жамият ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Жамият ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш,

кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.;

**контрагент** – Жамият билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий хавф-хатар** – Жамият ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ёки унинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупциявий ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга хатти-ҳаракат;

**коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси** – Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички меъёрий ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**манфаатлар тўқнашуви** – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар** – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда

тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

**хайрия (хайрия ёрдами)** – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Жамият учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

**халқаро ташкилот** – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

**ходим** – Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

**ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами)** – юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар) томонидан Жамият ёки унинг тизим ташкилотларига улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Жамият ёки унинг тизим ташкилотларида ҳомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

**яқин қариндошлар** – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек, эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

## II. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

9. Жамиятда коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

**қонунийлик** - Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чоратадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибаси, шунингдек, Жамият ички меъёрий ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

**коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик)** – Жамият ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Жамият ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

**очиқлик ва шаффофлик** – Жамият ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Жамиятда қабул қилинган ва амалга ошириладиган чоратадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

**коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги** - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

**илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш** – Жамият коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

**тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш** - Жамиятнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун Жамият раҳбариятига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

**фуқаролик Жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик** – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик Жамияти вакиллари жалб қилиши мумкин;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш** – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Жамиятда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чоралари кўрилади.

### **III. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари**

#### **1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш**

10. Жамият ходимлари ўз лавозим ва хизмат мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ҳамда Жамият тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

11. Жамият ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

12. Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

13. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Жамият ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим. (Функцияларни амалга оширишда жамиятнинг 2024 йил 1 августдаги 324-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун устувор хисобланади).

## **2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш**

14. Жамият ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар, меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Мезбон томоннинг рамзлари ва (ёки) логотипи туширилган эсдалик совғалар қиймати учун миқдор белгиланмайди ва бундай совғалар баҳоланмайди. Бундай совғаларни Жамият ходимлари ўз хоҳишига кўра тасарруф этади.

Тақдим этилган гуллар, озиқ-овқатлар (кондитер маҳсулотлари ва бошқалар), ташкилотларнинг канцелярия тўпламлари (календарлар, буклетлар, ручка, блокнотлар) совға деб қабул қилинмайди ва расмийлаштирилмайди.

Ходимнинг хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғани қабул қилиши натижасида манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига олиб келмаслиги, хусусан, ходим фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги лозим.

Жамият ходимлари хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ўзларига тақдим этилган совғалар суммасидан қатъи назар Жамият мулкига ўтказилади.

Бунда, давлат фуқаролик хизматчиси тақдим этилган совғанинг миқдорини аниқлашга асос бўладиган ҳужжатларни (агар мавжуд бўлса нақд пул квитанцияси, савдо квитанцияси, дипломатик совғанинг олинишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар) илова қилинади.

Жамият ходимларига хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғаларни қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида ҳар қандай шубҳалар пайдо бўлганда, ушбу ҳолат тўғрисида бевосита ўзининг юқори турувчи раҳбариятини ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмасини хабардор қилиши шарт.

15. Жамиятда ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан берилган, хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади;

совғалар Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим;

бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар бир ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

16. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 14 ва 15-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган мазкур Сиёсатнинг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

17. Жамият ёки унинг тизим ташкилоти номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш тегишли корхона раҳбари буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

18. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигида шубҳа туғилган тақдирда ходим Жамият ёки унинг тизим ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

### **3-§. Жамият ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши**

19. Ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлар (кўрганмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мос келса;

тадбир Жамият ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаетган лойиҳа-тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Жамият ҳамда таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши лозим;

тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

20. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси Жамият ёки унинг тизим ташкилотининг ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу Сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

#### **4-§. Кадрлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)**

21. Жамият ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

22. Номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёни номзодларни Жамият ва унинг тизим ташкилотларига қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади. *(Жамиятнинг 2022 йил 4 июлдаги 647-Н-сонли буйруғи билан тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар)*

23. Жамият ёки унинг тизим ташкилотларида ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозими оширилганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар захирасига қўшилганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этилиши тақиқланади.

24. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида

амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

25. Жамиятда ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқирилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.10.2019 йилдаги ПФ-5843-сон)*

Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва ходимлар танишиб чиқирилиши учун очиқ бўлиши лозим.

## **5-§. Жамият ва унинг ташкилий тузилмалари фаолиятини ўрганиш ва мониторинг ўтказиш**

26. Турли ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда – ўрганиш объектларида) Жамият ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

ўрганиш объектларида ўрганиш ёки мониторингни якка ўзи амалга оширмаслиги;

ўрганиш объектларига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари ўрганиш объекти ходимлари билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, ўрганиш ўтказилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

ўрганиш объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

агар ўрганиш объекти вакиллари Жамият ёки унинг тизим ташкилоти ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Жамият ёки унинг тизим ташкилотларидаги Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

ўрганиш объекти вакилларида Жамият ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши шарт.

27. Жамият томонидан ўтказилган ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

## **6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш**

28. Жамият мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

29. Контрагентлар билан муносабатларда Жамият қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

30. Жамиятда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек, сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

31. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Жамият:

Жамиятда контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ғолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

### **7-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш**

32. Жамият қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамни қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек, хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

### **8-§ Ички меъёрий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси**

33. Ички меъёрий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари Юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлигини аниқлаш ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказади.

### **9-§ Жамият фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш**

34. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Жамият ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

35. Давлат харидларини амалга оширишда Жамият ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

### **10-§ Жамиятдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси**

36. Жамият биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

37. Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилиши мумкин (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

#### **IV. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари**

##### **1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги**

38. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизими асосини: мазкур Сиёсат;

Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси;

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

39. Жамият раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

40. Жамият раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, таркибий тузилмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил ҳуқуқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

##### **2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш**

41. Жамият ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, Жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек, Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

##### **3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул**

42. Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш бевосита Жамият раҳбари билан келишган ҳолда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси) ҳамда Жамиятнинг тегишли корхоналари билан биргаликда амалга оширилади.

43. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари бевосита тегишлилиги бўйича Жамият ёки унинг тизим ташкилоти раҳбарига бўйсунди.

44. Жамиятнинг Персонални бошқариш бўлими ва тизим ташкилотларида ушбу вазифани бажариш вазифаси юклатилган тузилмалар

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиш ишларини олиб боради.

45. Жамият ва унинг ташкилий тузилмаларида алоҳида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият юритади.

46. Одоб-ахлоқ комиссиялари ходимларнинг этик хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек, Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

### **5-§ Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш**

47. Жамият барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек, жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички меъёрий ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича курсларни ташкил этиш;

коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурларини белгилайди ва ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Жамиятнинг Персонални бошқариш бўлимида сақланади;

тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан Жамиятда коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш.

Ходимларнинг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш, мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамият ва унинг тизим ташкилотининг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек, шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига ҳамда Жамият контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритади.

### **7-§. Жавобгарлик**

48. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Жамиятнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади.

Ходимлар мазкур Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

49. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда барча ходимларга бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек, ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ёки шахс, Жамият ёки унинг тизим ташкилот манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиши учун лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик)ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

ходимларнинг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

50. Ходимлар ўз раҳбари ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек, уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

51. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

52. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ёки Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган ходимлар лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари

доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

## **6-боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар**

53. Жамият ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Жамиятнинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

54. Жамият ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

55. Жамият ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

56. Жамиятнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Жамият масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички меъёрий ҳужжатлар ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилади.

57. Ходимлар томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **7-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби**

58. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғирланиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек, Жамият фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к..

59. Мазкур Сиёсатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Жамият бошқаруви раиси қарори асосида амалга оширилади.